

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРТОШЕВ ЗАВҚИДДИН ДАВРОНОВИЧ

**КОРОНАЛ МАССА ТАШЛАНМАЛАРИ: УЛАРНИНГ ҚУЁШ ЦИКЛИ
ДАВРИДАГИ ВАРИАЦИЯСИ ВА КОСМИК ОБ-ҲАВОГА ТАЪСИРИ**

01.03.01 – Астрономия

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математических наукам**

Миртошев Завкиддин Давронович

Коронал масса ташланмалари: уларнинг қуёш цикли давридаги вариацияси
ва космик об-ҳавога таъсири 3

Mirtoshev Zavkiddin Davronovich

Coronal mass ejections: their solar cycle variation and impact on space
weather 21

Миртошев Завкиддин Давронович

Корональные выбросы массы: их вариации в течение цикла солнечной
активности и влияние на космическую погоду 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ 47

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРТОШЕВ ЗАВҚИДДИН ДАВРОНОВИЧ

**КОРОНАЛ МАССА ТАШЛАНМАЛАРИ: УЛАРНИНГ ҚУЁШ ЦИКЛИ
ДАВРИДАГИ ВАРИАЦИЯСИ ВА КОСМИК ОБ-ҲАВОГА ТАЪСИРИ**

01.03.01 – Астрономия

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/FM155 рақам билан олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.astrin.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳмудов Баҳром Маҳмудович,
физика-математика фанлари доктори, профессор

Nandita Srivastava,
физика-математика фанлари бўйича PhD, профессор
Удайпур Куёш Обсерваторияси, Физикавий
Тадқиқотлар Лабораторияси, Ҳиндистон

Расмий оппонентлар:

Ильясов Собит Пўлатович,
физика-математика фанлари доктори

Marilena Mierla,
PhD, Бельгия Қироллик обсерваторияси, Бельгия

Етакчи ташкилот:

**Россия фанлар академияси Пушкин номидаги Ер
магнетизми, ионосфера ва радиотўлқинларнинг
тарқалиши институти (ИЗМИРАН), Россия**

Диссертация ҳимояси ЎзР Фанлар Академияси Астрономия институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Астрономия кўчаси, 33-уй. Тел.: (+99871) 235-81-02; факс: (+99871) 234-48-67); e-mail: info@astrin.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.А. Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

И.А. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

А.Б. Абдикамалов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда коронал масса ташланмалари (КМТ) ва уларнинг космик об-ҳавога таъсирини тадқиқ этишда замонавий илмий ва технологик воситаларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида бир неча ўн йиллар давомида КМТлар интенсив тадқиқотлар объекти бўлиб келмоқда ва эришилган тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан Қуёшдан сайёралараро фазога отилиб чиқиб турадиган магнитланган плазманинг улкан булутлари ҳисобланган КМТ тадқиқотлари учун коинот ва Ердаги обсерваториялар қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда КМТларнинг Ер магнитосферасига таъсири натижасида Ер яқинидаги фазода кучли геомагнит бўронларни келтириб чиқариши ва уларнинг техносфера ва биосферанинг турли элементларига салбий таъсирларини ўрганишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар қуёш доғлари циклининг табиати, тож магнит майдони конфигурацияси, Қуёш моддасининг сайёралараро фазога улоқтирилиши, уларнинг сайёралараро эволюциясини аниқлашга имкон беради ва космик об-ҳаво таъсирларини олдиндан баҳолашга хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, КМТ ва сайёралараро КМТ (СКМТ) параметрларини олдиндан баҳолаш учун турли эмперик ва магнитогидродинамик моделлар ишлаб чиқилган ва чиқилмоқда. Лекин бир неча ўн йиллаб олиб борилган тадқиқотларга қарамай, Ерда СКМТ келишини башорат қилишнинг ўртача муддати (3-5 кун) аниқлиги етарли эмас ва кузатилган параметрларнинг башорат қилинган параметрлардан сезиларли даражада оғиш ҳолатлари мавжуд. Бунинг сабаби Қуёш тожида КМТ нинг ҳосил бўлиш жараёнлари тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслиги ва гелиосферадаги СКМТ тузилиши ҳақида маълумотларнинг етишмаслигидадир. Шунинг учун башорат қилишнинг аниқлигини ошириш мақсадида КМТларнинг Қуёшга яқин хусусиятларини, уларнинг сайёралараро эволюциясини, шунингдек космик об-ҳаво билан боғлиқ оқибатларни тушуниш учун Ер яқинида тўғридан-тўғри (in-situ) кузатувлар ёрдамида ўрганиш жуда муҳимдир. Бу борада, жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва тадқиқот муассасалари илмий лойиҳалари доирасида (Миллий аэронавтика ва фазо маъмурияти (NASA), Европа космик агентлиги (ESA), Япония аэрокосмик тадқиқотлар агентлиги (JAXA) ва бошқалар) КМТ тадқиқотларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда Қуёшнинг Ер ва унинг яқинидаги космик фазога таъсирларини тадқиқ этиш ва уларнинг салбий таъсирларини камайтириш технологияларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. “Ўзбеккосмос” агентлигининг космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасидаги асосий вазифалари ва функцияларида фундаментал ҳамда амалий фанларни

ривожлантириш манфаатлари бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Ушбу вазифаларни амалга оширишда космик фаолият, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида илмий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ва инновация ишларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек Ер, космик фазо, сайёралар ва Қуёшни тадқиқ этишни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 30 августдаги ПФ-5806-сонли “Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида” ги фармонлари ва 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сонли «Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фан ва Технологиялари ривожланиши II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунёдаги етакчи илмий марказларнинг бир қатор олимлари, шу жумладан, ҳиндистонлик (N. Srivastava, W. Mishra, D. Chakrabarty, P. Manoharan, P. Subramanian, P. Venkatakrishnan, D. Nandy), хитойлик (Y. Wang, J. Zhang, R. Liu, P. Chen, C. Shen, Y. Liu), франциялик (P. Lamy, O. Floyd), россиялик (V. Obridko, V. Kuznetsov, V. Fomichev, B. Shelting, D. Sokoloff, V. Fainshtein, Y. Egorov, I. Kuzmenko, A. Kochanov, Yu. Yermolaev, N. S. Nikolaeva, I. Lodkina), америкалик (N. Gopalswamy, D. Webb, R. Howard, A. Vourlidas, R. Colaninno, P. Hess, S. Yashiro, C. Farrugia, N. Lugaz, T. Zurbuchen, I. Richardson, D. Hathaway, G. Petrie), австриялик (A. Veronig, M. Temmer, C. Möstl), хорватиялик (B. Vrsnak, M. Dumbovic), англиялик (R. Harrison, J. Davies), белгиялик (L. Rodriguez, E. D’Huys, M. Mierla), германиялик (S. Solanki, R. Schwenn, D. Schmitt) ва бошқа кўплаб олимлар томонидан Қуёш активлиги цикли, КМТлар ва уларнинг манба минтақалари, эволюцияси, кинематикаси, космик об-ҳавога таъсири ҳамда космик об-ҳаво ҳодисаларини олдиндан башорат қилиш моделларини ўрганиш учун жуда кўп назарий ва кузатув тадқиқотлари олиб борилган ва ўрганилган.

Ҳозирда ўзбекистонлик олимлар (акад. Ш. Эгамбердиев, Н. Карачик, З. Тўракулов, Ч. Шерданов ва бошқалар) Қуёш активлиги ва тож физикаси, айниқса тож туйнуклари ва ёруғ тож нукталари бўйича тадқиқотлар олиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 781-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори

боришмоқда. Аввалроқ Самарқанд давлат университетида (Б. Махмудов ва Т. Алимов) нейтрон монитор ёрдамида галактик космик нурларнинг вариацияси ва флукутациялари ўрганилган. Ҳозирда улар турли структурали СКМТлар билан боғлиқ бўлган Форбуш пасайиш (ФП) ҳодисаларини ўрганиш ва турли хил ФПларнинг пайдо бўлиш механизмларини аниқлаш устида изланишлар олиб бормоқдалар.

Қуёш доғлари фаоллиги космик об-ҳавонинг асосий ҳал қилувчи омили бўлгани учун уни башорат қилиш жуда катта аҳамиятга эга. Кўпгина тадқиқотчилар ўтмишда турли хил башорат қилиш усулларида фойдаланиб, Қуёш активлигини олдиндан айтиб беришга ҳаракат қилишди. Қуёш активлигининг ўзгаришлари Қуёшнинг барча хусусиятларида, масалан, қуёш доғлари сони, қуёш чакнашлари, протуберанецлар, КМТлар ва ҳоказолар ёрдамида топилган. Қуёш доғлари циклининг табиати ва сабаблари Қуёш физикасининг энг катта жумбоқларидан биридир. Биз ҳозирги кунда қуёш доғлари циклининг кўп тафсилотларини (шунингдек, динамик жараёнлар) билсак-да, биз ҳали ҳам асосий физик принциплардан фойдаланган ҳолда келажакдаги қуёш доғлари сонини ишончли башорат қилишга имкон берадиган моделни ярата олганимиз йўқ.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши СамДУнинг № 105 К (1) рақамли буйруғи ва университет илмий кенгаши томонидан 12.01.2017 да тасдиқланган 2017-2019 йилларда таянч докторантурада диссертация мавзуси бўйича илмий ишлар режаси ҳамда UZB-Ind-2021-95 “Коронал масса ташланмаларининг космик об-ҳавога таъсири” (2021-2023) мавзусидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма илмий лойиҳаси доирасида ҳам олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади КМТлар, уларнинг турли хил Қуёш активлиги циклларидаги узоқ даврли вариацияларини ва Ердаги космик об-ҳавога таъсирларини тадқиқ қилиш, шунингдек, қуёш шамоли ва КМТлар орқали Қуёшнинг масса йўқотиш даражаси эволюциясини 23- ва 24-қуёш цикллари давомида алоҳида ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кузатувлардан КМТ ва СКМТларнинг турли Қуёш активлиги цикллари давомида содир бўлиш даражасини аниқлаш;

КМТлар ва қуёш шамоли орқали Қуёшнинг масса йўқотиш кўрсаткичини қуёш доғлари сони ва қуёш рентген фон ёрқинлигига нисбатан аниқлаш;

Қуёш активлиги цикли давомида қуёш шамоли орқали йўқотилган массага КМТларнинг нисбий улушини топиш;

in-situ кузатувлар ва нейтрон мониторлар ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи КМТлар ва уларнинг геомагнит эффектларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Ердаги космик об-ҳаво таъсирининг асосий манбаи бўлган КМТ, СКМТ ва қуёш шамоли ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети КМТларнинг коронографик ва қуёш шамолининг in-situ кузатувлари, қуёш доғлари сони ва қуёш рентген фон ёрқинлиги билан КМТ ва СКМТларнинг ҳосил бўлиш даражаси, Қуёш массасининг КМТ ва қуёш шамоли орқали йўқотиш кўрсаткичи, сўнгги икки Қуёш активлиги цикли давомида КМТлар массасининг қуёш шамоли массасига қўшган ҳиссаси, шунингдек КМТларнинг геомагнит натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари узоқ муддатли коронографик, in-situ ва Ерга асосланган КМТ кузатувларини таҳлил қилиш, вақт сериясини таҳлил қилиш усуллари ва ўзгарувчилар ўртасидаги чизикли муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

23- ва 24-қуёш активлиги циклида ойлик КМТ массасининг йўқотиш кўрсаткичи ва ойлик қуёш доғлари сони орасидаги корреляция коэффиценти мос равишда 0,74 ва 0,76 га тенглиги топилган;

23- ва 24-қуёш активлиги циклида рентген фон ёрқинлиги билан КМТ массасининг йўқотиш кўрсаткичи орасидаги корреляция коэффиценти мос равишда 0,78 ва 0,80 га тенглиги аниқланган;

қуёш шамолининг масса йўқотиш кўрсаткичи 23-қуёш активлиги циклида йилига ўртача $2,1 \times 10^{-14} M_{\odot}$ га тенг қиймат атрофида бўлиши ва 24-циклда тахминан 10% га камайганлиги ҳамда қуёш активлиги цикли билан боғланмаганлиги аниқланган;

КМТларнинг қуёш шамоли масса оқимидаги нисбий улуши Қуёш активлик цикли максимумида тахминан 5 фоизни ташкил этиши аниқланган ва бу Қуёш активлик цикли минимумида анча кичиклиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

масса йўқотиш кўрсаткичини чизикли функция сифатида қуёш доғларининг ўртача ойлик сонига ва қуёш рентген фон ёрқинлигига боғлиқлиги аниқланган;

рентген фон ёрқинлиги КМТнинг масса йўқотиш кўрсаткичи учун қуёш доғлари сонига қараганда яхшироқ кўрсаткич эканлиги топилган;

аниқланган юлдуз рентген фон ёрқинлиги юлдузларда КМТларнинг ҳосил бўлиш кўрсаткичини аниқлашда ва Қуёш типигаги юлдузлардан масса йўқотиш кўрсаткичини баҳолашда фойдаланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида КМТларнинг узоқ муддатли коронографик кузатувларини қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг янги усулларида фойдаланилганлиги, олинган натижалар бошқа муаллифларнинг кузатув маълумотлари ва натижаларига мувофиқлиги текширилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қуёшда КМТларнинг юзага келиш қонуниятларини тушуниш, турли қуёш активлиги цикли давомида КМТларнинг содир бўлиш даражасини қуёш магнит ўзгарувчанлиги боғланишидан аниқлаш билан белгиланади. Бундан ташқари, диссертация ишида олинган натижалар Қуёш типигаги юлдуз КМТларининг содир бўлиш

кўрсаткичини ҳамда юлдуз масса йўқотиш кўрсаткичини баҳолашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти КМТларнинг Ер магнитосферасига таъсири натижасида Ер яқинидаги фазода кучли геомагнит бўронлар эффектларини ва космик об-ҳаво ҳодисаларини тушунишда қўллаш мумкинлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. КМТларнинг Қуёш активлиги циклидаги вариацияси, Қуёшнинг КМТлар ва қуёш шамоли орқали масса йўқотиш кўрсаткичини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

қуёш шамоли ва КМТлар орқали Қуёш масса йўқотиш даражасини қуёш доғлари сони ва қуёш рентген нурлари фони ёрқинлиги жиҳатидан ифодаланган қуёш магнит ўзгарувчанлиги функцияси сифатида ўрганиш бўйича олинган натижалар SCOPUS базасидаги илмий журналларда (Astronomy & Astrophysics, 2021; The Astrophysical Journal Letters, 2020; Monthly Notices of the Royal Astronomical Society, 2020; Astronomy & Astrophysics, 2020; Chinese Journal of Space Science, 2020; Geomagnetism and Aeronomy, 2020, The Astrophysical Journal, 2019; The Astrophysical Journal Letters, 2019) фойдаланилган. Илмий натижаларининг қўлланилиши бошқа Қуёш типидagi юлдузларда масса йўқотиш кўрсаткичини баҳолаш ва Қуёш масса йўқотиш кўрсаткичи билан таққослаш имконини берган;

КМТларнинг эклиптикада ва ундан ташқарида умумий қуёш шамоли массаси оқимиға қўшган ҳиссасини ва унинг Қуёш активлиги даврларининг турли босқичларида ўзгаришини аниқлаш бўйича олинган натижалар “The Sun Today” (С. Vita-Finzi, Springer, 2018) китобида фойдаланилган. Илмий натижаларнинг фойдаланилиши Қуёшда КМТларнинг ҳосил бўлиш даражаси ва улар билан боғлиқ масса йўқотиш кўрсаткичини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та маҳаллий илмий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси доирасида жами 12 та илмий ишлар нашр қилинди, шундан 5 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан PhD диссертацияси асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, асосий мақсад ва вазифалари асосланган, диссертациянинг объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши берилган.

Диссертация ишининг **“Қуёш ва унинг фаоллиги”** деб номланган биринчи боби Қуёш, коронал масса ташланмалари (КМТ) ва уларнинг кузатувлари, сайёралараро КМТ (СКМТ)лар ва Қуёш-Ер алоқасини тушуниш, Қуёш фаоллиги цикли, космик об-ҳаво ҳодисаларини батафсил тушунишга ва ўрганишга бағишланган.

Диссертация ишининг **“Кузатувлар”** деб номланган иккинчи бобида Қуёш яқинида КМТларни масофадан туриб кузатиш, Ер яқинидаги фазода *in-situ* кузатувлар ва Ер сиртидаги кузатувларининг тафсилотлари берилган ва диссертация объектини ўрганишда фойдаланилган таҳлил методологияси келтирилган.

Диссертация ишининг **“Коронал масса ташланмаларининг Қуёш циклидаги вариацияси”** деб номланган учинчи боби КМТлар пайдо бўлишининг ўзгарувчанлигини, Қуёш шамоли ва КМТлар орқали Қуёшнинг масса йўқотиш кўрсаткичи эволюциясини Қуёш активлигининг 23- ва 24-цикллари бўйича ўрганишга бағишланган.

Биз кунлик КМТларнинг ўртача сонини, сўнгра КМТларнинг содир бўлиш кўрсаткичини, шунингдек, 23- ва 24-қуёш цикллари учун ойлик қуёш доғлари сонини аниқладик. 23-қуёш цикли учун КМТлар содир бўлиш кўрсаткичининг ўзгариши 2003 йилгача қуёш доғлари сонини кузатиб боришини қайд қилдик. Шундан сўнг, 2008 йил охиригача 23-қуёш доғлари цикли пасайишда давом этган бўлса-да, КМТ пайдо бўлиш кўрсаткичи пасаймади. Ажабланарлиси шундаки, КМТ кўрсаткичи 2007 йил бошида энг юқори чўққини ва кейин фақат бир йил давомида ўртача пасайишни кўрсатди. 24-цикл бошлангандан сўнг, КМТ содир бўлиш кўрсаткичининг вариацияси қуёш доғлари сони ўзгаришини жуда аниқ кузатиб борди. 24-цикл олдинги 23-циклнинг мос фазаларига қараганда анча кичик амплитудага эга. Аммо, 24-цикл давомида КМТ содир бўлиш кўрсаткичи тахминан 23-циклнинг мос фазасидаги кўрсаткичга тенг ёки баъзан бироз юқорироқ. 2012-2014 йиллар мобайнида қуёш доғлари сони 2000-2002 йилларга нисбатан 1,7 мартага камайган вақтда КМТ кўрсаткичлари 1,6 мартага ошганлигини таъкидладик.


Қуёшда КМТлар содир бўлиш кўрсаткичини яхшироқ тушуниш учун биз 23- ва 24-цикл учун СКМТларнинг содир бўлиш кўрсаткичини ҳам баҳоладик. СКМТ кўрсаткичи 23-циклни кузатиб борганини, аммо 2005-2007 йиллар давомида, яъни 23-циклнинг пасайиш фазасида бу кўрсаткич

нисбатан юқори эканлигини қайд қилдик. СКМТ кўрсаткичи 24-циклнинг кўтарилиш фазасида 23-циклнинг мос фазасига қараганда кичикроқ. 24-циклнинг дастлабки 7 йилидаги СКМТларнинг умумий сони олдинги циклнинг шу оралиғига нисбатан 40% га камайган. Бироқ, 24-циклнинг максимум даврида СКМТ кўрсаткичи 23-циклнинг максимум давридаги кўрсаткич билан бир хил қийматга эга.

Биз -30° дан 30° гача, -60° дан 60° гача ва -90° дан 90° гача бўлган гелиокенгликлардаги КМТлар туфайли календар ойлар давомида куёшдан чиқарилган умумий массани ҳисобладик. 23- ва 24-куёш цикллари давомида КМТларнинг ушбу учта гуруҳга боғлиқ бўлган масса йўқотиш кўрсаткичининг вариациясини кўрсатдик (1-расм, юқори панел). Бундан -30° дан 30° гача бўлган гелиокенгликлардаги КМТ туфайли ойлик масса йўқотиш 1999-2002 йилларда, яъни 23-куёш доғлари циклининг кўтарилиш ва максимум фазаси даврида куёш доғлари сонига нисбатан анча пастлигини аниқладик. Бу кенглик таркибига тобора каттароқ, яъни -60° дан 60° гача ва -90° дан 90° гача бўлган гелиокенгликлардаги КМТлар киритилганда, масса йўқотишнинг бу паст кўрсаткичи камроқ аниқ бўлади. Худди шу тарзда, 24-циклнинг кўтарилиш фазасида, яъни 2012-2014 йилларда массани йўқотиш кўрсаткичи сезиларли даражада пастлигини қайд этдик.

Биз 23-циклнинг максимум даврида -30° дан 30° гача ва -60° дан 60° гача бўлган гелиокенгликлардан ҳосил бўлган КМТлар мос равишда умумий КМТ масса йўқотишнинг тахминан 45% ва 90% ига ҳисса қўшишини аниқладик. Шунингдек, 24-циклнинг максимум даврида -30° дан 30° гача ва -60° дан 60° гача бўлган гелиокенгликлардаги КМТларнинг нисбий улуши умумий КМТ масса йўқотишнинг 40% ва 80% ни ташкил қилиши аниқладик. Бу шундан далолат берадики, 60° дан юқори кенгликларга эга бўлган КМТлар 23- ва 24-циклларда, айниқса циклларнинг кўтарилиш ва максимум даврларида мос равишда умумий масса йўқотиш кўрсаткичининг тахминан 10% ва 20% ни ташкил этади. Шу билан бирга, КМТлар орқали масса йўқотишнинг асосий қисми ўрта ва қуйи гелиокенгликларга ҳам тўғри келади. Биз куёш доғлари сонига нисбатан масса йўқотиш даражаси 24-циклда 23-циклга қараганда юқори эканлигини таъкидладик. 24-цикл максимумидаги куёш доғлари сони олдинги 23-циклга нисбатан 40% га камаяди. Бироқ, 24-куёш доғи циклининг максимуми давомида -30° дан 30° гача, -60° дан 60° гача ва -90° дан 90° гача бўлган гелиокенгликлардаги КМТлар туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи мос равишда атига 25%, 20% ва 15% гача камаяди. Бу шуни англатадики, юқори гелиокенгликлардан масса йўқотиш 24-цикл максимуми давомида олдинги цикл максимуми давридагига нисбатан катта. Бизнинг янгилигимиз шуни кўрсатадики, 24-циклда масса йўқотиш кўрсаткичининг пасайиши куёш доғлари сонига нисбатан унчалик самарали эмас.

Биз 23- ва 24-цикллар учун ойлик масса йўқотиш ва ойлик куёш доғлари сони ўртасидаги муносабатни аниқладик (1-расм, ўрта ва пастки панеллар). Аниқланган регрессия чизиғи билан -30° дан 30° гача, -60° дан 60° гача ва -90° дан 90° гача бўлган гелиокенгликлардаги КМТларнинг учта гуруҳи учун



1-расм. Чап панел: -30° дан 30° гача бўлган гелиокенгликдан КМТ (чапда, Y ўқ, қора рангда) туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи ва ойлик қуёш доғлари сонининг ($ўн$ гда, Y ўқ, кўк рангда) 1996-2016 йиллар (23- ва 24-қуёш цикли) давомида вариацияси юқори панелда кўрсатилган. Ҳақиқий ўлчашларнинг силлиқланган қийматлари ҳам график устига чизилган (юқори панел). 23-цикл ($ўр$ та панел, SC23) ва 24-цикл ($қу$ йи панел, SC24) учун -30° дан 30° гача бўлган гелиокенгликдаги КМТ туфайли ойлик масса ва қуёш доғлари сони ўртасида тарқоқ график регрессия чизиғи ($кў$ к рангда) билан чизилган. **Марказий панел:** чап панелга ўхшаш, лекин -60° дан 60° гача бўлган гелиокенгликдаги КМТ туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи чизилган. **Ўн**г панел: чап панелга ўхшаш, лекин -90° дан 90° гача бўлган гелиокенгликдаги (яъни, қуёшнинг ҳамма тарафидан) КМТ туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи чизилган.


тарқоқ график мос равишда 1-расмнинг чап, марказий ва ўнг панелларида кўрсатилган. Ойлик массани йўқотиш кўрсаткичи (dM_{CME}/dt)ни ойлик ўртача доғлар сони (S) бўйича ифодалаш учун биз кузатувдан олинган натижаларни қуйидаги математик ифода билан мослаштирдик:

$$\frac{dM_{CME}}{dt} = 5 \times 10^{14} (c_1 S + c_2) \quad \text{г} \cdot \text{ой}^{-1} \quad (1)$$

бу ерда c_1 ва c_2 константалар. 23- ва 24-куёш цикллари учун (1) тенглама ёрдамида олинган константалар (c_1 ва c_2), корреляция коэффиценти (r) ва детерминация коэффиценти (r^2) 1-жадвалда кўрсатилган (юқоридан биринчи панел).

1-жадвалда 23-куёш цикли учун (1) тенглама учта гелиокенгликлардаги КМТлар туфайли ойлик масса йўқотиш маълумотларининг ўзгарувчанлиги тахминан 36%, 51,8% ва 54,8% ни кўрсатди. Худди шундай, 24-цикл учун КМТлар туфайли кузатилган масса йўқотишдаги ўзгарувчанлик 32,5%, 54,8% ва 57,8% атрофида. Шундай қилиб, ойлик ўртача доғлар сони (S) қуйи ва юқори гелиокенгликлардаги КМТлар учун яхши прокси эканлиги аниқланди. 24-цикл учун олинган константаларнинг қийматлари 23-циклнинг мос гелиокенглик оралиқлари учун олинган қийматларидан каттароқдир. Бу КМТлар орқали масса йўқотиш кўрсаткичининг олдинги циклга қараганда 24-циклдаги куёш доғлари сонига кучли боғлиқлигини кўрсатади. 23- ва 24-цикл давомида КМТларнинг содир бўлиш кўрсаткичини ва КМТлар орқали умумий масса йўқотиш кўрсаткичини (1-расм, юқори ўнг панел) таққослаш асосида, кўп сонли кичик ташланмалардан иборат юқори кенгликлардаги КМТларнинг нисбий улуши 2003 йилдан бошлаб ошиб боради ва заиф 24-куёш циклида ҳам давом этади.

Биз 23- ва 24-куёш цикллари давомида барча гелиокенгликлардаги КМТлар туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи ва куёш рентген нурлар фон ёрқинлиги вариацияларини ўргандик (2-расм). Бундан юмшоқ рентген нурлар фон ёрқинлиги куёш фаоллигининг максимуми ва минимуми орасида 10 марта фарқ қилишини аниқладик. 2-расмнинг юқори панелидан биз масса йўқотиш кўрсаткичининг вариацияси, умуман олганда куёш рентген нурлар фон ёрқинлигининг вариациясини кузатиб боришини таъкидладик. Бироқ, 1997 йилдан 2003 йилларда, яъни 23-куёш циклининг кўтарилиш ва максимум фазасида масса амплитудаси рентген нурлар ёрқинлигига нисбатан паст эканлиги қайд этдик. Шунга ўхшаш ўзгариш 24-куёш циклининг максимум даврида ҳам қайд этдик. 24-циклнинг максимум даврида рентген нурлар ёрқинлиги ва ойлик масса йўқотиш кўрсаткичи 23-циклнинг максимум давридагига нисбатан мос равишда 20% ва 15% га камайди. Бу эса 23-циклдан 24-циклгача бўлган даврда тахминан 40% га камайган куёш доғлари сонидан фарқли ўлароқ, КМТ туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи ва рентген нурлар фон ёрқинлиги деярли тенг равишда камайганлигини кўрсатди. Биз рентген нурлар фонида ҳам, куёш доғлари сонидан ҳам худди шундай вақт масштабида циклик фаолликни қайд этдик.



2-расм. 1996-2016 йиллар (яъни, 23- ва 24-куёш цикли) давомидаги вақт бўйича (X ўқда) барча КМТлар туфайли ойлик масса йўқотиши (чап Y ўқда, қора рангда) ва куёш рентген нурлар ёрқинлиги (ўнг Y ўқда, кўк рангда) ўзгариши кўрсатилган. Ҳақиқий ўлчашларнинг силлиқланган қийматлари ҳам график устига чизилган (юқори панел). 23-цикл (чап пастки панел, SC23 деб белгиланган) ва 24-цикл (ўнг пастки панел, SC24 деб белгиланган) учун куёшдан барча КМТлар туфайли ойлик масса йўқотиш ва куёш рентген нурлар фон ёрқинлиги орасидаги тарқоқ график регрессия чизиғи (кўк рангда) билан кўрсатилган.

Биз куёшнинг -90° дан 90° гача бўлган гелиокенгликларидан КМТлар туфайли массани йўқотиш кўрсаткичи (dM_{CME}/dt) ва рентген нурлар фон ёрқинлиги (L_X) нинг аниқланган қийматларига қуйидаги математик функцияни мослаштирдик:

$$\frac{dM_{CME}}{dt} = 5 \times 10^{14} (c_1 L_X + c_2) \quad \text{г} \cdot \text{ой}^{-1} \quad (2)$$

бу ерда c_1 ва c_2 константалар. 23- ва 24-цикллар учун олинган константалар, корреляция коэффиценти ва детерминация коэффиценти 1-жадвалда кўрсатилган (юқоридан иккинчи панел). 1-жадвалдан (2) тенглама 23- ва 24-куёш цикли учун масса йўқотиш даражаси ўзгарувчанлиги мос равишда тахминан 60% ва 64% ни кўрсатишини таъкидладик. Рентген нурлар фон ёрқинлиги билан изоҳланган масса йўқотиш кўрсаткичининг ўзгарувчанлиги ойлик ўртача куёш доғлари сонидан фойдалангандагига қараганда ҳар иккала цикл учун ҳам тахминан 5% га юқори (2-расмнинг пастки панеллари). Бу шуни англатадики, ўлчанган рентген нурлар ёрқинлиги бутун куёш учун КМТ туфайли массани йўқотиш активлиги учун яхшироқ прокси ҳисобланади. Қизиғи шундаки, 2001 йил ўрталарида 23-доғлар цикли ва рентген нурлар ёрқинлиги бир вақтнинг ўзида энг юқори қийматга эришади.

1-жадвал. Панеллар юқоридан пастга қараб: константалар (c_1 ва c_2), корреляция коэффицентлари (r) ва детерминация коэффицентлари (r^2) қийматлари 23- ва 24-қуёш цикллари учун мос равишда (1), (2), (3) ва (4) тенгламалар ёрдамида олинган.

(1) тенгламадан (КМТ ва қуёш доғлари сони)				
Цикл	c_1	c_2	r	r^2 (%)
SC 23 (-30° дан 30° гача)	1.1	67	0.60	36.0
SC 23 (-60° дан 60° гача)	2.4	85	0.72	51.8
SC 23 (-90° дан 90° гача)	2.8	91	0.74	54.8
SC 24 (-30° дан 30° гача)	1.2	82	0.57	32.5
SC 24 (-60° дан 60° гача)	3.4	98	0.74	54.8
SC 24 (-90° дан 90° гача)	4.1	118	0.76	57.8
(2) тенгламадан (КМТ ва рентген нурлар фон ёрқинлиги)				
SC 23	2.5×10^{-22}	90	0.78	60.1
SC 24	2.6×10^{-22}	126	0.80	64.0
(3) тенгламадан (Қуёш шамоли ва доғлар сони)				
SC 23	-0.2	696	0.1	1
SC 24	-0.1	616	0.03	0.09
(4) тенгламадан (Қуёш шамоли ва рентген нурлар фон ёрқинлиги)				
SC 23	-1.2×10^{-23}	694	0.09	0.8
SC 24	1.6×10^{-23}	594	0.09	0.8

Бироқ, 2013 йил сентябрда 24-доғлар цикли энг юқори қийматга эришганда, рентген нурлар ёрқинлиги энг юқори қиймати ярим йилга кечикади. Шунингдек, рентген нурлар фонининг оқими ва масса йўқотиш кўрсаткичи қуёш доғлари сонига нисбатан 23-циклга қараганда 24-циклда юқори эканлиги аниқланди.


Ушбу бобда биз қуёш доғлари сони ва рентген нурлар фон оқимига нисбатан қуёш шамоли туфайли масса йўқотиш кўрсаткичини ҳам аниқладик. 1 а.б. масофа яқинидаги қуёш шамолининг ўртача соатлик *in-situ* кузатувларидан фойдаланиб, биз ойлик ўртача протон зичлигини (n_p), тезлигини (v_p) ва булар натижасида протон массасининг оқимини ($n_p \times v_p$) 1 а.б. масофада ҳисобладик. Ўлчанган қуёш шамоли массаси оқимини қуёш юзасидан барча йўналишларда 1 а.б. масофада глобал қуёш шамоли массаси оқими деб ҳисоблаб, биз ойлик қуёш шамоли масса йўқотиш кўрсаткичини аниқладик. 23- ва 24-доғлар цикли учун ойлик ўртача доғлар сонининг функцияси сифатида қуёш шамоли туфайли ҳисобланган ойлик масса йўқотишнинг ўзгариши 3-расмда келтирилган. 3-расмнинг юқори панелидан, 23-қуёш циклининг кўтарилиш ва максимум фазаси давомида ойлик масса йўқотиш камайишини аниқладик. Бироқ, 23-циклнинг пасайиш босқичида масса йўқотиш кўрсаткичи бошида бироз ошиб борди ва кейин қуёш доғлар сонини кузатиб бориб, маълум даражада камайди. 24-цикл учун қуёш шамоли масса йўқотиш даражаси кўтарилиш фазасида деярли доимий бўлиб қолди ва 24-цикл максимум даврида бироз пасайди ва пасайиш фазасида ортди.

Биз қуёш шамоли туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи ва қуёш доғлари сонининг аниқланган қийматларига қуйидаги тенгламани мослаштирдик:

$$\frac{dM_{SW}}{dt} = 5 \times 10^{15} (c_1 S + c_2) \text{ г} \cdot \text{ой}^{-1} \quad (3)$$


бу ерда S ойлик ўртача қуёш доғлари сони, c_1 ва c_2 константалар.

3-расмнинг қуйи чап ва ўнг панелларида мос равишда 23- ва 24-қуёш цикллари учун қуёш доғлари сони функцияси сифатида ойлик масса йўқотиш кўрсаткичининг тарқоқсимон графиги кўрсатилган. Константаларнинг қиймати, корреляция коэффицентлари ва детерминация коэффицентлари 1-жадвалнинг учинчи панелида келтирилган. Жадвалдан қуёш шамоли туфайли масса йўқотишнинг ўзгарувчанлигини (3) тенгламада келтирилган қуёш доғлари сонининг чизикли функцияси нуқтаи назаридан тўғри тушунтириб бўлмаслигини таъкидладик. Қуёш шамоли туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи 23-цикл учун ўртача $3.5 \times 10^{18} \text{ г} \cdot \text{ой}^{-1}$ атрофида тарқалган ва бу қиймат 24-цикл учун тахминан 10% га камайтиди. 24-цикл максимум даврида қуёш доғлари сони ва КМТ туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи 23-циклнинг максимум давридагига қараганда мос равишда тахминан 40% ва 15% га камайтиди. Шунингдек, қуёш шамоли орқали масса йўқотиш кўрсаткичининг цикл ичидаги вариацияси 23- ва 24-қуёш цикллари учун ҳар хил.



3-расм. 1996-2016 йиллар давомидаги вақт бўйича (X ўқда) қуёш шамоли туфайли ойлик масса йўқотиши (чап Y ўқда, қора рангда) ва қуёш доғлари сони (ўнг Y ўқда, кўк рангда) вариацияси кўратилган. Ҳақиқий ўлчашларнинг силлиқланган қийматлари ҳам график устига чизилган (юқори панел). 23-цикл (чап пастки панел) ва 24-цикл (ўнг пастки панел) учун қуёш шамоли туфайли ойлик масса йўқотиш ва қуёш доғлари сони орасидаги тарқоқ график регрессия чизиғи (кўк рангда) билан кўрсатилган.

4-расмда куёш рентген нурлар фон ёрқинлиги билан куёш шамоли туфайли ойлик масса йўқотиш кўрсаткичининг вариацияси келтирилган. Куёш рентген нурлар фон ёрқинлиги куёш доғлари цикллари яқиндан кузатиб боради. 4-расмнинг юқори панелидан биз масса йўқотиш кўрсаткичи 23-куёш циклининг кўтарилиш ва максимум фазаларида пасайишини аниқладик. 23-циклнинг пасайиш фазасида ойлик масса йўқотиш кўрсаткичи бошида бироз катталашиб, кейин рентген нурлар ёрқинлигини кузатиб боради. 24-куёш цикли учун масса йўқотиш кўрсаткичи бошида деярли доимий бўлиб, кейин 24-циклнинг кўтарилиш фазасида пасаяди. Масса йўқотиш кўрсаткичи 24-циклнинг максимум ва пасайиш фазаларида ошади. Бундан куёш шамоли туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи на куёш цикллари тенденциясига мос келишини ва на цикллarning максимум давридан минимум давригача сезиларли вариацияларни кўрсатмаслигини, рентген нурлар фон ёрқинлиги эса катталик жиҳатдан 10 марта ўзгариб туришини аниқладик.



4-расм. 1996-2016 йиллар давомидаги вақт бўйича куёш шамоли туфайли ойлик масса йўқотиш кўрсаткичи ва куёш рентген нурлар фон ёрқинлиги вариацияси кўрсатилган. Ҳақиқий ўлчашларнинг силлиқланган қийматлари ҳам график устига чизилган (юқори панел). 23-цикл ва 24-цикл учун куёш шамоли туфайли ойлик масса йўқотиш ва куёш рентген нурлар фон ёрқинлиги орасидаги тарқоқ график регрессия чизиғи билан кўрсатилган.


Қуёш шамоли туфайли масса йўқотиш кўрсаткичининг ва рентген нурлар ёрқинлигининг умумий моҳиятини ўрганиш учун уларга қуйидаги (4) тенгламани мослаштирдик:

$$\frac{dM_{SW}}{dt} = 5 \times 10^{15} (c_1 L_X + c_2) \quad \text{г} \cdot \text{ой}^{-1} \quad (4)$$

бу ерда L_X ойлик ўртача рентген нурлар фон ёрқинлиги, c_1 ва c_2 константалар.

23- ва 24-қуёш цикли учун маълумотларнинг энг яхши мослиги мос равишда 4-расмнинг қуйи чап ва ўнг панелларида кўрсатилган. (4) тенгламани мослаштиришдан олинган константалар, корреляция коэффиценти ва детерминация коэффиценти 1-жадвалнинг охири панелида келтирилган. Шунини таъкидлаш керакки, масса йўқотиш коэффиценти ва детерминация коэффиценти 1-жадвалнинг охири панелида келтирилган. Шунини таъкидлаш керакки, масса йўқотиш коэффиценти ва детерминация коэффиценти 1-жадвалнинг охири панелида келтирилган. Шунини таъкидлаш керакки, масса йўқотиш коэффиценти ва детерминация коэффиценти 1-жадвалнинг охири панелида келтирилган. Шунини таъкидлаш керакки, масса йўқотиш коэффиценти ва детерминация коэффиценти 1-жадвалнинг охири панелида келтирилган.

(3) ва (4) тенгламалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган қуёш шамоли орқали масса йўқотиш кўрсаткичи квази-барқарор қуёш шамоли ва қуёшдан эпизодик ташланмалар орқали масса йўқотишни ташкил этади. Квази-барқарор қуёш шамоли бутун қуёш сатҳидан, КМТларнинг аксарияти эса қуйи ва ўрта гелиокенгликлардаги фаол минтақалардан келади. Биз Ерга яқин 1 а.б. да ўлчанган қуёш шамоли массаси оқимиға КМТларнинг улушини ҳисобладик. Бундан ташқари, КМТларнинг нисбий улуши 23- ва 24-қуёш циклиларининг турли фазаларида қандай ўзгаришини ўргандик.



5-расм. Чап панел: Эклиптикага яқин 1 а.б. масофада КМТ протон оқимининг (чап Y ўқида) ва қуёш шамоли протон оқимининг (ўнг Y ўқида кўк рангда) вақт бўйича ўзгариши кўрсатилган. **Ўнг панел:** КМТ нинг қуёш шамоли массаси оқимиға нисбати кўрсатилган.

Шунингдек, биз in-situ кузатувлари асосида 1 а.б. да қуёш шамоли протонларининг масса оқимининг йиллик ўртача қийматини ҳисоблаб чиқдик. 6-расмда қуёш шамоли протонлари оқимининг, КМТлар протонлари оқимининг ва КМТларнинг эклиптикага яқин 1 а.б. да қуёш шамолиға қўшган улушининг қуёш цикли бўйича ўзгаришлари келтирилган. Биз қуёш шамоли массасининг оқими вақт ўтиши билан деярли ўзгармаслигини ва КМТларнинг қуёш шамолиға қўшадиган улуши қуёш цикли минимумида

жуда оз, аммо 23- ва 24-куёш цикллари максимум даврларида $\approx 5\%$ гача кўтарилганлигини аниқладик.

Диссертациянинг **“КМТларнинг космик об-ҳавога таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида КМТларнинг космик об-ҳавога таъсири, ўзаро таъсирлашувчи КМТлар муаммоси, уларни in-situ кузатувларда аниқлаш, ўзаро таъсирлашувчи КМТ жараёнларининг сайёралараро ва геомагнит оқибатларини ўрганишга бағишланган.

Ушбу бобда биз турли хил вақтларда содир бўлган ва Ерга йўналган ўнта ўзаро таъсирлашувчи КМТ жараёнларини ўрганиб чиқдик. Бу ҳодисалар 24-куёш циклида ўртача ва кучли геомагнит бўронларни келтириб чиқарди. Ушбу танланган ўзаро таъсирлашувчи КМТ ҳодисаларининг сайёралараро таъсирини таҳлил қилиш учун биз турли сайёралараро, геомагнит, Ермагнетосфера-ионосфера тизими ва ерга асосланган кузатув параметрларини тадқиқ қилди. Тадқиқот натижаларидан ўзаро таъсирлашувчи КМТларнинг оқибатлари 1 а.б. масофада тезлик, ҳарорат ва зичликнинг кескин кўтарилиши билан бир ёки икки зарбали тўлқинли тузилишга эгаллиги аниқланди. Шунингдек, биз кузатув натижаларидан ўзаро таъсирлашувчи КМТлар магнетосферага етиб келганда индивидуал КМТларга қараганда турлича геомагнит оқибатларга олиб келишини таъкидладик. Биз КМТларнинг қўшилиши, йўналишини ўзгартириб қайтиши ёки алоҳида структурали, геомагнит бўронларнинг турлари, яъни бир ёки икки босқичли геомагнит бўронларга олиб келадиган шарт-шароитларни ўргандик.

ХУЛОСА

“Коронал масса ташланмалари: уларнинг қуёш цикли давридаги вариацияси ва космик об-ҳавога таъсири” мавзусидаги диссертация иши бўйича эришилган илмий натижалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосалар келтирилади:

I. КМТларнинг қуёш циклидаги вариацияси

1. Биз 2003 йилдан бошлаб 24-қуёш циклигача нисбатан юқори кенгликлардан кўплаб камроқ массивли КМТларнинг ҳақиқатан ҳам ошганлигини аниқладик. Шу сабабли 24-қуёш цикли учун КМТ фаоллигининг қуёш доғлари сони билан жуда заиф корреляцияси мавжуд.
2. Масса йўқотиш кўрсаткичи учун ойлик ўртача доғлар сони ва қуёш рентген нурлар фон ёрқинлигининг чизиқли функцияси сифатида муносабатларни ўрнатдик. Бундан қуёш цикли давомида қуёш нурлари сонига қараганда рентген нурлар фон ёрқинлиги КМТ туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи учун яхшироқ прокси эканлиги аниқланди. Аммо, қуёш шамоли туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи қуёш айланишига аниқ боғлиқликни кўрсатмаслиги қайд қилинди.
3. Қуёш шамоли туфайли масса йўқотиш кўрсаткичи КМТ туфайли масса йўқотиш кўрсаткичидан тахминан 10 марта каттароқ эканлиги аниқланди. КМТларнинг қуёш шамоли массаси оқимига нисбий улуши эклиптикада қуёш активлиги максимумида тахминан 5 фоизни ташкил этди ва у юқори гелиокенгликларда ёки қуёш активлиги минимумида анча кичик бўлиши кўрсатилди.

II. Ўзаро таъсирлашувчи КМТларнинг космик об-ҳаво таъсири

4. Ўзаро таъсирлашувчи КМТлар космик об-ҳаво нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эгаллиги, ушбу ўзаро таъсир узоқ муддатли ва магнит майдон жанубий компонентининг кучайиши сабабли геоэффективликни кучайтириши мумкинлиги таъкидланди.
5. Геомагнит бўрон ва суббўрон фаоллигида магнит майдон жанубий компонентининг барқарорлиги унинг амплитудасидан муҳимроқ эканлиги аниқланди.
6. Ўзаро таъсирлашувчи КМТларнинг геомагнит хусусиятларини ўрганиш натижасида, уларнинг баъзилари икки фазали, баъзилари эса бир босқичли геомагнит бўронлар сифатида содир бўлганлиги аниқланди.
7. СКМТларнинг бирлашган структураси Ерда одатдагидек икки фазали ФП ни ҳосил қилди. ФП шакли ва катталиги СКМТ билан боғлиқ бўлган классик зарбали тўлқин ҳосил қилувчи космик нурлар депрессиясига ва узоқроқ тикланиш фазасига тўғри келиши аниқланди. Космик нурлар ўзгаришини таҳлил қилиш муҳимлиги кўрсатилди, чунки булар қуёш шамолининг турли структураларини ва геомагнит бўронларни яхшироқ тушунишга имкон беради. Бундан ташқари, СКМТнинг турлича структуралари билан боғлиқ бўлган ФП ҳодисаларини текшириш турли хил ФПларнинг пайдо бўлиш механизмларининг аниқлигига ёрдам бериши мумкинлиги кўрсатилди.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 ON AWARD OF
SCIENTIFIC DEGREE AT ASTRONOMICAL INSTITUTE**

SAMARKAND STATE UNIVERSITY

MIRTOSHEV ZAVKIDDIN DAVRONOVICH

**CORONAL MASS EJECTIONS: THEIR SOLAR CYCLE VARIATION
AND IMPACT ON SPACE WEATHER**

01.03.01 – Astronomy

**DISSERTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON
PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

Tashkent – 2022

The theme of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered by the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under No.B2020.3.PhD/FM155.

The doctoral (PhD) dissertation was carried out at Samarkand State University.

The abstract of the dissertation was posted in three (Uzbek, English, Russian (resume)) languages on the website of the Scientific Council (www.astrin.uz) and on the website of “Ziyonet” informational and educational portal (www.ziyonet.uz).

Supervisors:

Makhmudov Bakhrom Makhmudovich,
doctor of physical and mathematical sciences, Professor,
Samarkand State University

Nandita Srivastava,
PhD in Physics, Senior Professor, Udaipur Solar
Observatory, Physical Research Laboratory, India

Official opponents:

Ilyasov Sabit Pulatovich,
doctor of physical and mathematical sciences

Marilena Mierla,
PhD, Royal Observatory of Belgium, Belgium

Leading organization:

**Pushkov Institute of Terrestrial Magnetism,
Ionosphere and Radio Wave Propagation Russian
Academy of Sciences (IZMIRAN), Russia**

The defence of the dissertation will be held on “_____” _____ 2022, at the meeting of the Scientific Council No.DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 at Astronomical Institute (Address: 33, Astronomicheskaya street, 100052, Tashkent city. Phone: (+99871) 235-81-02; Fax: (+99871) 234-48-67; e-mail: info@astrin.uz)

The doctoral (PhD) dissertation can be looked through in the Information Resource Center of Samarkand State University (registered under No._____). (Address: 15, University boulevard, 140104, Samarkand city. Phone: (+99866) 239-11-51).

The abstract of dissertation was distributed on “_____” _____ 2022.
(Registry record No._____ dated “_____” _____ 2022).

Sh.A. Ehgamberdiev
Chairman of the Scientific Council
on Award of Scientific Degrees,
D.Ph.-M.S., academician

I.A. Ibragimov
Scientific Secretary of the Scientific Council
on Award of Scientific Degrees, PhD

A.B. Abdikamalov
Chairman of the Scientific Seminar of the Scientific
Council on Award of Scientific Degrees, D.Ph.-M.S.

INTRODUCTION (Annotation of PhD dissertation)

Topicality & demand of the dissertation topic. In the world, the use of modern scientific and technological tools occupies one of the leading positions in the research of coronal mass ejections (CMEs) and their impact on space weather. Globally, for several decades, CMEs have been the object of intensive research and require the implementation of the obtained research results into practice. In this regard, it is important to use instruments from space and Earth based observatories for CMEs studies, which are huge clouds of magnetized plasma ejected from the Sun into interplanetary space.

In the world, scientific research work is being conducted to study the impact of CMEs on the Earth's magnetosphere, causing strong geomagnetic storms in the near-Earth space and their negative effects on various elements of the technosphere and biosphere. These studies allow to determine the nature of the sunspot cycle, the configuration of the coronal magnetic field, the ejection of solar material into interplanetary space, their interplanetary evolution, and can serve to predict the effects of space weather.

Currently, various empirical and magnetohydrodynamic models have been developed and are being released for the preliminary estimation of CMEs and interplanetary CMEs (ICMEs) parameters. But despite several decades of research, the accuracy of the average period of prediction of the arrival of ICMEs on Earth (3-5 days) is not enough, and there are cases where the observed parameters deviate significantly from the predicted parameters. The reason for this is that we do not have enough information about the processes of CME formation in the solar corona and about the ICME structure in the heliosphere. Therefore, it is very important to study the near-sun properties of CMEs, their interplanetary evolution, as well as the implications for space weather, using in-situ (direct) observations near-Earth in order to improve the accuracy of predictions. In this regard, special attention is paid to CMEs research within the scientific projects of the world's leading scientific centers and research institutions (National Aeronautics and Space Administration (NASA), European Space Agency (ESA), Japan Aerospace Exploration Agency (JAXA), etc.).

In our republic, extensive measures are being taken to research the effects of the sun on the Earth and the space near it and to develop technologies to reduce their negative effects, and certain results are being achieved. In the decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated September 17, 2019 No. 781 "On measures to organize the activities of the space research and technology agency under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan", one of the main tasks and functions of the "Uzbekcosmos" agency is defined important tasks in the interests of the development of fundamental and applied sciences. In performing these tasks, including organization of studies of the Earth, outer space, planets and the Sun is gaining importance.

This dissertation works to a certain extent to fulfil the tasks defined in the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947 of February 7, 2017 "On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of

Uzbekistan", No. PF-5806 of August 30, 2019 "On the development of space activities in the Republic of Uzbekistan", as well as decision No. PQ-5032 of March 19, 2021 "On measures to improve the quality of education in the field of physics and develop scientific research" and other regulatory legal documents related to this activity.

Conformity of the research to the main priorities of science and technology development of the Republic. The dissertation research has been carried out in accordance with the priority areas of science and technology in the Republic of Uzbekistan: II. "Power, energy and resource saving".

Degree of study of the problem. Currently a number of scientists from leading scientific centers around the world, such as N. Srivastava, W. Mishra, D. Chakrabarty, P. Manoharan, P. Subramanian, P. Venkatakrishnan, D. Nandy (India); Y. Wang, J. Zhang, R. Liu, P. Chen, C. Shen, Y. Liu (China); P. Lamy, O. Floyd (France); V. Obridko, V. Kuznetsov, V. Fomichev, B. Shelting, D. Sokoloff, V. Fainshtein, Y. Egorov, I. Kuzmenko, A. Kochanov, Yu. Yermolaev, N. S. Nikolaeva, I. Lodkina (Russia); N. Gopalswamy, D. Webb, R. Howard, A. Vourlidas, R. Colaninno, P. Hess, S. Yashiro, C. Farrugia, N. Lugaz, T. Zurbuchen, I. Richardson, D. Hathaway, G. Petrie (USA); A. Veronig, M. Temmer, C. Möstl (Austria); B. Vrsnak, M. Dumbovic (Croatia); R. Harrison, J. Davies (UK), L. Rodriguez, E. D'Huys, M. Mierla (Belgium); S. Solanki, R. Schwenn, D. Schmitt (Germany) and others have done huge number of theoretical and observational investigations to study of solar activity cycle and CMEs, their source regions, evolution, kinematics and space weather consequences of them, models for predicting of the space weather events.

Currently, Uzbek scientists (academician Sh. Ehgamberdiev, N. Karachik, Z. Turakulov, Ch. Sherdanov and others) are carrying out a research on solar activity and coronal physics, especially coronal holes and coronal bright points. Earlier (B. Makhmudov and T. Alimov) carried out a study of variations and fluctuations of galactic cosmic rays from Neutron Monitor at Samarkand State University. Now they are working on investigation of Forbush decrease (FD) events associated with various structures of Interplanetary CMEs (ICMEs) and identification of the occurrence mechanisms for different types of FDs.

Since the sunspot activity is the major determinant of space weather, its prediction is of utmost importance. Many researchers have attempted to predict the solar activity in the past using different prediction techniques. Solar activity variations have been found in all the solar activity features e.g., sunspot number, sunspot area, solar flares, prominences, CMEs etc. The nature and causes of the sunspot cycle constitute one of the great mysteries of solar astronomy. While we now know many details about the sunspot cycle, (and as well as about the dynamo processes), we are still unable to produce a model that allows us to reliably predict future sunspot numbers using basic physical principles.

Connection of the topic of the dissertation topic to the scientific works of higher educational and research institutions, where the dissertation is carried out. The dissertation work was carried out on the basis of the research plan of PhD

study for 2017-2019 approved by the order of Samarkand state university No.105 K (1) and within the framework of the research topic for 2017-2019 years in the Astronomy division of Physics department which is approved by the academic council of the university on January 12, 2017. Also, the research on the dissertation was carried out in the framework of the Uzbek-India joint research project UZB-Ind-2021-95 “Space weather consequences of coronal mass ejections” (2021-2023).

The aim of the research is the study of CMEs, their long-term variation during different solar activity cycles and space weather consequences in the Earth, as well as the investigation of evolution of mass loss rate of the Sun via solar wind and CMEs separately over solar cycles 23 and 24.

The tasks of the research:

- to determine of occurrence rate of CMEs and ICMEs from long-term observations during different solar activity cycles;

- to identify of solar mass loss rate via CMEs and solar wind versus sunspot numbers and solar X-ray background luminosity;

- to estimate the relative contribution of CMEs to the mass loss of the sun through the solar wind during the solar activity cycle;

- identification of interaction of CMEs and their geomagnetic consequences by in-situ and neutron monitor measurements.

